

Жаноза қўйилиб

05:55 / 23.06.2018 3561

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаноза қўйилиб, одамлар ёки кишилар уни елкаларига олганларида, агар у солиҳ бўлса, «Мени тезроқ элтинглар, мени тезроқ элтинглар!» дейди. Агар у солиҳ бўлмаса, «Эвоҳ, шўрим қурсин! Мени қаерга олиб кетишяпти?!» дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма нарса эшитади. Агар (инсон) уни эшитганида, беҳуш йиқилган бўлар эди», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.